

Май 2018

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
28 апрель

ШАНБА

№ 34 (13087)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда экин ерларидан самарали фойдаланиш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқда фуқароларнинг бандлиги ва фаровонлигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, айрим туманларда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ер участкаларидан оқилона фойдаланиш бўйича ишлар ҳолатини ўрганиш натижалари ушбу йўналишдаги фаолиятни ташкил этишни тақомиллаштириш бўйича аниқ чоралар қўриш зарурлигини кўрсатмоқда.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг бу соҳадаги ваколатларини кенгайтириш ва фаол иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. Тегишли ҳудудда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ажратилган ер участкаларидан мақсадли фойдаланишни тумани комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичларидан бири деб ҳисоблансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, қишлоқ хўжалиги вазири ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) раҳбарларига фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгашлари ҳузуридаги фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига комплекс хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини ташкил этиш таъминланмаганлиги қатъий кўрсатиб ўтилсин.

3. Белгилансинки, 2018 йил 1 июлдан: барча фермер ва деҳқон хўжаликларининг Кенгашига аъзолиги мажбурий, томорқа ер эгалари учун эса ихтиёрий ҳисобланади;

фермер ва деҳқон хўжаликларининг Кенгашда аъзолиги туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раёсати қарорига мувофиқ тугатилиши ер участкасига эгалик қилиш, ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи ёхуд уни ижарага олиш ҳуқуқи бекор бўлиши учун асос бўлади;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари қишлоқ хўжалигида шартнома мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан мониторинг ҳамда жамоат назоратини амалга оширади.

4. Кенгаш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Кенгашига аъзолик бадалларини қўйидагича белгилаш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин:

пахта хом ашёси ҳамда донли экинлар етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари учун пахта хом ашёси ҳамда доннинг харид нархидан 0,8 фоиз миқдорда;

бошқа фермер хўжаликлари учун улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган пул маблағларининг 0,5 фоизи миқдорда;

деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари учун Кенгашга аъзолик тўғрисидаги шартномада кўрсатилган миқдорда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кенгаш, бошқа маффаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур банд талабларга мувофиқ Кенгашга аъзолик бадалларини ўтказиб бериш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

Давоми 2-бетда

«ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИ ИЖРОСИ ТАҲЛИЛИ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 апрель кунги "Обод қишлоқ" дастурини амалга оширишни самарали ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ва бу борадаги энг муҳим вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, вилоятлар ҳокимлари иштирок этди. Асосий эътибор "Обод қишлоқ" дастурининг амалга оширилиши билан боғлиқ масалаларга қаратилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Кайд этилганидек, ўтган йиллар давомида юртимизнинг барча ҳудудларида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Лекин олис қишлоқларда истиқомат қилаётган оддий одамларнинг яшаш шароитини яхшилашга етарлича эътибор қаратилмади. Бундай ҳолат ўша ҳудудлар аҳолиси эътирозларига сабаб бўлиб келаётган эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бундай муносабатга чек қўйилиб, аҳолининг яшаш шароитини янада яхшилаш бўйича аниқ ва мақсадли тизим яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 мартдаги "Обод қишлоқ" дастури тўғрисидаги фармони мувофиқ, жорий йилда ҳар бир туманда 2 тадан қиш-

лоқда, кейинги йилдан бошлаб эса ҳар йили ҳар бир туманда 3 тадан қишлоқда кенг қўламли қурилиш-обodonлаштириш ишлари амалга оширилади.

"Обод қишлоқ" дастурининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси ва унинг ҳудудий штаблари томонидан жорий йилда обод қилинадиган 368 та қишлоқ рўйхати тузилиб, тасдиқланди.

Кейинги 25 йил мобайнида намунали уй-жой қуришни ҳисобга олганда, қишлоқларнинг ташқи қиёфасини яхшилаш ва обodonлаштириш бўйича бирор-бир амалий иш қилинмаган, бунинг учун молиявий маблағлар ажратилмаган, — деди давлатимиз раҳбари. — Аксарият қишлоқларда кўчалар, ижтимоий соҳа объектлари, ичимлик суви, электр таъминоти каби муҳим соҳалар йиллар давомида қаровсиз ва эътиборсиз қолиши натижасида ночор аҳволга келиб қолган.

Президентимиз аҳолининг уй-жой ва бино-иншоотларни замонавий меъёрларга амал қилмаган ҳолда, тартибсиз ва ўзбошимчалик билан қуриб

олиши ҳам оддий ҳолатга айланишига эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, қишлоқ аҳолиси "бизга шу ҳам бўлаверади", деган фикрга кўникиб, ўзининг кўчаси, уй-жойи ва ҳовлисини обод қилишга умуман эътибор бермай қўйган.

Шуни ҳисобга олиб, жорий йилда Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги уй-жойлар ва инфра-тузилма объектлари хароб аҳволга келиб қолган Манас қишлоғида обodonлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Натижада атиги 1,5 ойда ушбу қишлоқ мутлақо замонавий қиёфа касб этди. Энг муҳими, қишлоқ аҳолисининг кайфияти, турмуш даражаси, дунёқараши ва ҳаётга муносабати ўзгариб, уларда эртанги кунга мустақкам ишонч пайдо бўлди.

Сирдарё вилояти Ховос туманидаги Ховособод қишлоғи ҳам обод қилиниб, ҳавас қилса арзийдиган ҳудудга айлантирилди.

Манас биз учун шундай тажриба мактаби бўлдики, агар қишлоқларни замонавий масканга айлантириш, иқтисодий-ижтимоий муҳитни яхшилаш,

одамлар кайфиятини ижобий томонга кескин ўзгартиришни олдимизга мақсад қилиб, изчил ҳаракат қилсак, бунга эришиш мумкинлигига одамларни ишонтира олдик, ўзимизда ҳам ишонч ва қатъият ошди, — деди Шавкат Мирзиёев.

"Обод қишлоқ" дастурини бажариш учун зарур бўладиган молиявий ресурсларнинг 80 фоизи давлат бюджетидан, давлат корхоналари маблағлари ва улар жалб қиладиган хорижий кредитлар ҳисобидан таъминланади. Қолган 20 фоизи тадбиркорларнинг ўзларига тегишли бозор инфратузилмаси объектларига сарфланадиган маблағлари ва банк кредитларидир.

Йиғилишда бу борада барча ресурс ва маблағларни ишга солиш зарурлиги таъкидланди.

Хароб ва фойзи йўқ жойда яшаётган аҳолининг кайфияти ҳам, келажакда интилиши ҳам бўлмади, — деди Президентимиз. — Агар биз қишлоқларни обод қилсак, у ердаги халқнинг кайфияти ўзгаради, ўз ҳаётини янада яхшилашга интилиш пайдо бўлади, қишлоқлар иқтисодий юксалиши, Буларнинг бари Ватанимизнинг ободлиги ва иқтисодий юксалиши учун яна бир муҳим туртки бўлади.

Йиғилишда давлатимиз раҳ-

бари жорий йилда "Обод қишлоқ" дастури асосида амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифаларга алоҳида тўхталди.

Бу йил 127 мингта уй-жойни таъмирлаш ва атрофини обodonлаштириш, 1 минг 900 километр ичимлик суви тармоғи, 850 та ижтимоий соҳа ва 2 минг 400 та бозор инфратузилмаси объектларини қуриш ва капитал таъмирлаш, қарийб 2 минг километр электр ва 263 километр газ тармоқлари, 440 километр йўللари капитал таъмирлаш, 470 замонавий автобус харид қилиш, 330 дан зиёд бекат қуриш ва янги қатнов йўналишлари очиб режалаштирилган. Ушбу мақсадлар учун 3 триллион 447 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилади.

Ўтган даврда қурилиш-обodonлаштириш ишлари учун 292 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, шундан 87 миллиард сўми бевосита маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилди.

Шу билан бирга, Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ажратилган маблағлар етарли эмас. Айрим ҳудудлар ҳокимлари бу масалага иккинчи даражали иш сифатида қараётгани кўзга ташланмоқда.

Давоми 2-бетда

НАВҚИРОН НУРАФШОННИНГ НУРЛИ МАНЗИЛИ

Қуни кеча фойдаланишга топширилган "Нуронийлар ва Маҳалла маркази"га таширф буюрганлар кўркам мажмуага ана шундай таъриф беришди

Она дийрими бўлаб яратувчанлик, ободлик палласи бўлган гўзал баҳор нафаси кезиб юрган шу мунаввар кунларда вилоятимизнинг барча гўшалари улкан бунёдкорлик майдонига айланган, десак асло муволага бўлмайди. Ҳали у, ҳали бу шаҳар ва қишлоқларимизда қад кўтарётган янгидан янги бино ва иншоотлар, ижтимоий ва иёшотлар ҳудудларимиз кўркига кўрд қўшиб баробарида замондошларимизга чинакам байрамона шуқуқ, кайфият бахш этмоқда.



Қуни кеча вилоятимизнинг маъмурий маркази бўлган навқирон шаҳримиз Нурафшонда қуриб битказилган дастлабки кўркам иншоотлардан бири — "Нуронийлар ва Маҳалла маркази" мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон факрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларида вилоят марказлари, шаҳар ва туманларда "Нуроний" ҳамда "Маҳалла марказ"лари бунёд этилиши алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шу асосда вилоят ҳокимининг тегишли қарорлари қабул қилиниб, унга мувофиқ мазкур мажмуа қурилиши бошланган эди.

«Тошкент ҳақиқати» йўлланмаси билан

ЎРАТЕПАДАН БЕКОБОДГА КЕЛИН ТУШДИ, ЁР-ЁР...

Алломадардан бири ўзбек билан тожикни Сир билан Амуга қиёслаган экан. Назаримизда, бу жуда топиб айтилган тимсол. Негаки, бу икки халқнинг муддаоси, орзу-интилишлари бир хил, кўзлаган мақсадлари муштарак. Оҳанглари, қуй ва қўшиқлари, юрак мавжлари бир-бирига яқин. Ҳар икки халқнинг анъана ва урф-одатлари, расм-русумлари ҳам жуда ўхшаш.

Ўтмиши бир неча минг йилликларга бориб тақаладиган икки халқнинг кўпчилик ҳавас билан қарайдиган ажойиб тарихи бор. Қолаверса, маданият, адабиёт ва санъат бобида доимо улар бир-бирини тўлдириб келган. Жомий ва Навоийнинг устоз-шогирд сифатидаги яқинлигини, Ғафур Ғулом ва Мирзо Турсунзоданинг, Абдулла Орипов ва Лойик Шералининг дўстлигини, эл севган ҳофизлар Шерали Жўра-

ев ва Жўрабек Муродовларнинг ҳамиша жўровоз бўлиб келганлигини ким билмайди, дейсиз.

Айтиш жоизки, мустақилликка эришганимиздан сўнг халқларимиз ўртасидаги алоқалар, борди-келдилар янгича замун касб эта бошлади. Азалий дўстлик абадий дўстликка айланди. Бир дараждан сув ичган, замини, парвиқор тоғлари туташ бўлган ҳар икки халқнинг ўз тақ-

тақил ривожланиш йўлидан дадил одимлаётганлиги, албатта, қувонарли.

Илдизлари теран бўлган бундай дўстликни асло енгиб бўлмайди, ҳеч бир куч ва тўсиқ унга тўғанок бўла олмас. Зотан, бундай дўстлик қадам босиб бўлмас сарҳадлар темир тўсиқли сарҳадлар на даркор!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Имомназар

Раҳмоннинг сазй-ҳаракатлари билан амалга оширилган ишлар эса халқларимиз учун узоқ кутилган фараҳбахш воқеалик бўлапти.

Шу йилнинг 1 март санасини одамлар узоқ вақт эслаб юриши аниқ. Бир-бири билан қорон-қардош, қуданда бўлиб кетган ён қўшни — жон қўшнилар эндиликда ҳеч бир ортиқча тўсиқ ва оворагарчиликларсиз борди-келди қилишадиган бўлишди.

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳри ва Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти чегарасида жойлашган "Ҳаштияк" божхона пос-

тида бўлиб ўтган тантанали маросим, бир сўз билан айтганда, катта бир тўйга айланиб кетди. Карнай-сурнай садолари остида азалий қўшнилари бир-бирларини кучок очиб қутиб олишди.

Ҳар икки томоннинг мутасаддилари, ҳокимлик вакиллари, нуроний отахон ва онахонлар сўзга чиқишиб, мана шундай шароитни яратиш берганликларини учун ҳар икки давлат раҳбарларига миннатдорчилик билдиришди, дуои-фотиҳалар қилишди. Ўзбекча ва тожикча куй-қўшиқлар навбатча-навбат янграб турди.

Давоми 3-бетда

Вилоят ҳокимлигида

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Нурафшон шаҳрида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бошқарма ва таъкилотлар масъул ходимлари, ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари, сиёсий партиялар етакчилари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Ф. Ибрагимов олиб борди.



Сессия иштирокчилари кун тартибига мувофиқ, вилоятда ижтимоий соҳа ходимлари, хусусан, шифокорлар, ўқитувчилар ва талаба-ёшларни жамоат ишларига жалб қилишнинг олдинчи олиш, мажбурий меҳнатга таъқиқ қўйиш, раҳбар ходимларнинг ҳудудларда кўзбўйамачиликка йўл қўйишини бартараф этишга қаратилган топиширлик ижроси, бу борада аниқ механизмни ишлаб чиқиш ва қатъий назорат ўрнатишга доир чора-тадбирларни қўйишга қаратилган топшириқларни кўриб чиқдилар. Қайд этилганидек, вилоятимиз шаҳар ва туманларида ёшлар, таълим ва тиббий соҳа ходимларини обodonлаштириш, дала ишларига мавсумий жалб этиш ҳолатлари кузатилади. Эндиликда бу каби ҳолатларга йўл қўймасликка қаратилган тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Сессияда сектор раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августда имзоланган "Ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар

тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида амалга оширилган ишларга бағишланган, вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлигининг 2017 йилда атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича бажарилган ишлар ҳамда 2018 йилда мазкур соҳада қилиниши лозим бўлган энг муҳим йўналишларга оид ҳисоботлари тингланди.

Шунингдек, вилоят маҳаллий бюджетининг 2018 йил 1 чорақ ижроси, сессиялар оралиғида қабул қилинган айрим қарорларни тасдиқлаш, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайланган айрим депутатларнинг депутатлик ваколатларини муддатидан олдин тугатиш, вилоят Кенгашидаги бўшаб қолган округларга депутатлар сайловини ўтказиш масалалари қўрилган йиғилишда депутатлар, тегишли бошқарма ва идоралар раҳбарларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Кун тартибига қўйилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз муҳбиримиз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

5. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

уйма-уй юриш орқали деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, шу жумладан, ерни тайёрлаш, уруғ, кўчат ва дарахтлар экиш, иссиқхоналар қуриш, чорва ва паррандаларни кўпайтириш ҳолатини даврий мониторинг қилиб бориш; кенгаш аъзолари - фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига тегишли ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш зарурлиги тўғрисида кўрсатмалар бериш;

туман ҳокимларига фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг тегишли ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ер қонунчилиги мувофиқ тугатиш зарурлиги тўғрисида қўриб чиқишни мажбурий бўлган тақлифлар киритиш;

6. Барча қишлоқ туманларида асосий вазифаси қуйидагилар орқали фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотишда амалий ёрдам кўрсатиш ҳисобланган "Томорқа хизмати" МЧЖлар ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига шартнома асосида зарур моддий ресурслар, шу жумладан, уруғлар, кўчатлар, таралар, техника ва бошқа воситалар етказиб бериш;

ерларни рекултивация қилиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини экиш;

суғориш тизимини яратиш ва яхшилаш, сув насослари ўрнатиш, артезиан қудуқлар қазихи ва томчилатиб суғоришни ташкил этиш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва қишлоқ хўжалиги экинларини ички ва ташқи бозорларда сотиш, шу жумладан, уларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва Кенгаш билан биргаликда қишлоқ туманларининг ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда "Томорқа хизмати" МЧЖлар фаолиятини самарали ташкил этишда, шу жумладан, бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулк объектларини белгиланган тартибда ажратиш орқали кўмаклашсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Кенгашнинг юридик шахс мақомига эга бўлган Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

9. Белгилансинки:

а) қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма маблағлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан тегишлича 350 миллиард сўм ҳамда 150 миллиард сўм миқдорида ажратиладиган бир мартали бегарз молиявий ёрдам;

аукцион савдоларида фуқароларга ер участкаларига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқини сотишдан тушадиган тушумнинг 10 фоизи;

Жамғармага юқлатилган вазифаларга бажариш учун жалб қилинадиган халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг кредитлари (қарзлари) ва грантлари;

Жамғарманинг даромадлари, шу жумладан, маблағларни депозит ҳисоб рақамларига жойлаштиришдан олиннадиган даромадлар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарма маблағлари қуйидагилар учун фойдаланилади:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 3 йил муддатга, шу жумладан, 1 йилгача имтиёзли давр билан 2 фоизлик банк маржасини ҳисобга олган ҳолда йиллик 7 фоиз ставкада кредитлар бериш учун "Микрокредитбанк" АТБ, "Агробанк" АТБ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига ресурслар жойлаштириш;

тижорат банклари орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молия-

лаш ставкасида 2 фоиз банк маржасини ҳисобга олган ҳолда "Томорқа хизмати" МЧЖ, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бошқа ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, таъминлаш, савдо ташкилотлари ҳамда лизинг компанияларига моддий-техника базасини мустақамлаш, қишлоқ хўжалиги техникалари ва транспортларини сотиб олиш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг иссиқхоналарини қуриш учун материаллар ва бутловчи қисмлар харид қилишга кредитлар бериш;

Жамғармани сақлаб туриш ва фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш; айланма маблағларга муҳтож бўлган "Томорқа хизмати" МЧЖларнинг устав фондиди 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда шакллантириш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерларини ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа йўналишлар;

в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар ҳудудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан келишилган ҳолда берилади;

г) маблағларни тижорат банкларида жойлаштириш ҳисобидан олиннадиган даромадларнинг 30 фоизигача миқдордаги Жамғарма даромадлари Кенгашнинг моддий-техник ҳамда молиявий жиҳатдан таъминлаш, шунингдек, унинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун йўналтирилади.

10. "Ўзбекизоқовқатзахира" уюшмаси, "Ўзбекизоқовқатхолдинг" холдинг компанияси деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан мазкур қарорга мувофиқ ажратилган кредит маблағлари ҳисобига етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бозор нархлари бўйича харид қилинишини таъминласин.

Белгилансинки, деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ва "Томорқа хизмати" МЧЖлар ўзларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бошқа шахсларга ҳам сотиш ҳуқуқига эга.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Жамғарманинг Вазирлик кенгаши, Низоми ҳамда 25 штат бирликдан, шу жумладан, 7 та бирлик марказий аппаратда, 18 та бирлик Жамғарманинг ҳудудий вакилларидан иборат бўлган Жамғарма ижро этувчи аппарати тузилмасини тасдиқласин.

12. Жамғарма Вазирлик кенгаши ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Жамғарма маблағларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиб борсин.

13. Қуйидагилар:

Жамғарма барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан;

"Томорқа хизмати" МЧЖлар давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб мазкур қарорга мувофиқ уларнинг асосий фаолияти доирасида 3 йил муддатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва унинг ҳудудига четдан келтириладиган енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун жиҳозлар, қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда қишлоқ хўжалиги транспорт воситалари белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича 2021 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун тўловлардан ташқари);

"Томорқа хизмати" МЧЖ ёки фермер хўжаликлари билан тузилган касаначилик шартномаси асосида фаолият юритаётган томорқа ер эгалари - жисмоний шахслар уларнинг касаначилик фаолияти доирасида жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалардан озод қилинсин.

14. Белгилансинки, 2018 йил 1 июлдан:

деҳқон хўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхўд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлайётган жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига йилга энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорда суғурта бадали тўланган тақдирда, суғурта бадали тўланган йил меҳнат стажига киритилади;

Кенгаш тизимида ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлиқ тўланади;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов 5 фоиз миқдорда тўланади.

15. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Бандликга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг қўшимча йўналишлари деб ҳисоблансин:

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғлиқлар, кўчатлар ва суғориш воситалари харид қилиш учун "Томорқа хизмати" МЧЖ, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамда томорқа ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробаридан 10 баробаригача бўлган миқдорда субсидиялар бериш;

касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, коллежлар ва олий ўқув юртиларида

касб-ҳунарга тайёрлаш, агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асалари-чилик соҳасида фермер ва деҳқон хўжаликларининг раҳбарлари ва ишчилари ҳамда томорқа ер эгаларини қайта тайёрлаш ва малякасани ошириш учун грантлар ажратиш.

16. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотлар давлат илмий-техник дастурларини шакллантиришда уларга фермер, деҳқон хўжаликларининг ер участкалари ва томорқа ерларидан самарали фойдаланиш бўйича инновацион ишланмалар ва замонавий технологиялар ишлаб чиқишни назарда тутувчи илмий лойиҳалар киритилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Кенгаш билан биргаликда бир ой муддатда деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ерларини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш учун Жаҳон банки ҳамда бошқа халқаро молия институтларининг кредитлари ва заёмларини жалб этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига аниқ тақлифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги "Ўзгрокиёҳимоя" АЖ ва Кенгаш билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

кичик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳамда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерларига мини-агротехнологияларни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот марказини;

республика минтақаларида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги экинларини касаликлардан ҳимоя қилиш, зарур тавсия ва маслаҳатлар беришга кўмаклашувчи ва хизмат кўрсатувчи "Ўсимликлар клиникаси" МЧЖларни ташкил этиш бўйича тақлифлар киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-3318-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Кенгаш, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин;

улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З. Т. Мирзаев, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат маслаҳатчиси-нинг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 26 апрель

«ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИ ИЖРОСИ
ТАҲЛИЛИ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Йиғилишда давлатимиз раҳбари қурилиш ишларини молиялаштириш ўз вақтида бажарилмаётгани, шу пайтга қадар бор-йўғи 6 та қишлоқ бўйича бош режа ишлаб чиқилгани, 81 та қишлоқда ободонлаштириш ишлари бошланмаганини таъкидлади. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Бухоро, Наманган ва Самарқанд вилоятларида қишлоқларни обод қилиш масаласига етарлича эътибор берилмаётганига ўтхалиб, бу ишларни тезлаштириш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Кўп хонадонли уй-жойларнинг умум-фойдаланиш қисмларини таъмирлаш, маиший инфратузилма объектларини жойлаштириш, атроф ҳудудини тартибга келтириш бўйича намунавий талабларни ишлаб чиқиш, ишни шу асосда ташкил этиш, барча ҳудудлардаги қурилишларга арзон ва сифатли материалларни ўз вақтида етказиб бериш юзасидан ҳам вазифалар белгиланди.

Йиғилишда ҳудудлардаги 336 қишлоқ болалар боғчаси, 318 мактаб, 109 оилавий поликлиника, 79 маҳалла маркази ва бошқа объектларнинг техник ҳолатини ўрганиш, биноларнинг ташқи ва ички қисмини замонавий талаблар асосида таъмирлаш, жиҳозлаш, атрофини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Маҳаллий ҳокимликларга қишлоқларда маиший хизмат комплекслари қуриш

учун зарур ер майдонлари ва бўш турган бинолар ажратилишини таъминлаш, қишлоққа саноатни олиб кириш орқали ихчам ва замонавий янги иш жойлари яратиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари обод этиладиган 368 қишлоқ аҳолиси томорқаларига сердаромад экинлар екилишини таъминлаш, кичик иссиқхоналар қурилишига амалий кўмак бериш бўйича мутасаддиларга аниқ вазифалар топширди.

Энг муҳим масалалардан бири қишлоқлар аҳолиси маънавияти ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш ҳисобланади. Президентимиз бу борада Манас қишлоғида амалга оширилаётган ишларни мисол қилиб келтирди. Қишлоқларга адлия, ҳуқуқ-тартибот, маданият, спорт, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар вакиллари доимий равишда ташриф буюриб, аҳолининг ҳуқуқий, тиббий маданияти, билим-савияси ва маънавиятини ошириш бўйича турли учрашувлар, суҳбатлар ўтказиб бориши лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишда "Обод қишлоқ" дастурини амалга ошириш борадаги мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этишга қаратилган ишларни самарали ташкил этиш бўйича қўрилаган чора-тадбирлар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди.

Қўрилган масалалар юзасидан аниқ вазифалар ва зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Ў.А.

НАВҚИРОН НУРАФШОННИНГ
НУРЛИ МАНЗИЛИ

Мажмуанинг очилиш маросимида сўз олган вилоят ҳокими Ф. Ибрагимов, Республика "Нуроний" жамғармаси раиси ўринбосари Х. Мирзахонова, "Маҳалла" жамоат фонди бошқаруви раиси маслаҳатчиси Г. Йўлчиева ва бошқалар бу кўрак мажмуанинг жуда қисқа фурсатларда бунёд этилиши ва ишга туширилиши мамлакатимизда муҳтарам Ўртбошимиз бошлаб берган инсон манфаатларига хизмат қилувчи илҳомларнинг яна бир амалий натижаси бўлганини алоҳида қайд этдилар.

Таъкидлаш жоизки, жойларда кўпни кўрган нуронийларимизга муносоиб иззат-эҳтиром кўрсатиш, хонадонларимизнинг фарқи ва фаршшаси бўлган кеска авлод вакилларининг бой ҳаётий тажрибаларидан унумли фойдаланиш, улар босиб ўтган мазмунли умр йўлларини навқирон авлодга ибрат намунаси қилиб кўрсатишга алоҳида аҳамият қаратилювчи бўлади.

Шунингдек, бутун дунёда ўзини ўзи бошқаришни ноёб шакли бўлган маҳаллалар фаолияти учун етарли шарт-шароитлар яратиш, улар фаолияти самарадорлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилувчи қатор вазифалар ҳам белгиланган. Бинобарин, халқ билан ишлаш, уларни қўллаётган муаммо ва масалаларни жойида ҳал қилиш, аҳоли орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, маҳаллалар ахлини ягона мақсад йўлида бирлаштиришда ўзбек маҳалласининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, қисқалб бўлмайди.

Марказ бугунги кун талабларига тўла жавоб беради, - дейди "Маҳалла" жамоат фонди вилоят бошқаруви раиси Х. Ҳамидов. - Мажмуа ахборот коммуникация воситалари, зарур ёзма ва электрон адабиётлар билан таъминланди. Тўғридан-тўғри шахар, туман маҳаллалар кенгашлари билан алоқага чиқиш, ахборот алмашиш имкониятлари яратилди. Шунингдек, бинода алоҳида конференциялар зали, маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона ташкил этилган бўлиб, турли мавзулардаги тадбирларни, семинар ва учрашувларни ўтказиш учун бар-

ча қулайликлар кўзда тутилган. Айниқса, кексаларимизнинг бўш пайтларида келиб дам олишлари, ўзаро мулоқот, гурунглари қилишлари учун мақбул шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Кексаларни эъзозлаш қадимдан халқимизга хос эзгу фазилат, олижаноб қадрият бўлиб келган, - дейди "Нуроний" жамғармаси вилоят кенгаши раиси Сайфулла Асодов. - Шу маънода, бу аҳолий мажмуанинг шу кунларда мамлакатимизда кенг нишонланаётган 9 май - Хотира ва қадрлаш куни байрами арафаларида фойдаланишга топширилаётганда ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Кези келганда, таъкидлаш лозимки, муҳтарам Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида" ги Фармонида мувофиқ Иккинчи жаҳон урушида қўрилган галабининг 73 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчиларига берилаётган пул мукофоти, шу билан бирга, бир қанча ижтимоий имконият ва имтиёзлар азиз нуронийларимизга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборнинг яна бир ифодасидир.

Авал хабар қилганимиздек, вилоятимиз кеска авлод вакилларининг 65 нафари "Меҳнат фаври" нишонин билан мукофотланган эдилар. Шу кунги маросим муносабати билан кўрак нишонлари ҳам ўз эгаларига тантанали вазиятда топширилди.

Дароқе, халқимизда "Тўйга тўна билан", деган гап бор. Маросим қатнашчиларини қутлар экан, вилоят ҳокими бу нақлни бежиз тилга олиб ўтмагани зум ўтмай аён бўлди - "Нуроний" жамғармасининг вилоят бошқарувида янги енгил автоматизация калити топширилди.

Маросим иштирокчилари шарафига ёзилган дастурон атрофида қўларини дуога очган нуронийларимиз "Аваало, юртимиз тинч бўлсин, эл-юртимиз учун қилинаётган қўллаб-қувватлаш, эзгу ишларнинг бошида турган Президентимиз соғ-омон бўлсинлар, бундай кўрак иншоотлар эзгу мақсадларимиз йўлида барчамизга узоқ йиллар хизмат қилсин", дея ният билдирдилар.

Ўз мухбиримиз
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар

Бошланғич 1-бета

Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти

ЗИЁРАТ – КЎНГИЛГА ҚУВВАТ

Кексаларни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш, зарур шарт-шароитлар яратиш мамлакатимизда давлат сис-
темати даражасига кўтарилган.

Янгийўл туманида ҳам "Нуроний" жамғармаси томонидан қатор эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Кексалар ва меҳнат фаврийлари ҳолидан хабар олиш, уларнинг турмуш даражасини ўрганиш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш янги йўлга қўйилган.

Кун кеча туман ҳокимлиги, "Нуроний" жамғармаси ташаббуси ва ҳомийлигида "Чортоқ", "Озода", "Деҳқонобод", "Нуробод", "Чаманзор" маҳаллаларида 50 киши қадимий ва кўхна Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиб қайтдилар.

М. ТУЛАГАНОВА

ЭКСПОРТ ҚИЛГАННИНГ
ЭРТАСИ БОР

Вилоятимиздаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Буни Олмалиқ шаҳрида фаолият кўрсатаётган корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумотларга кўра, шаҳарда бу йил 10 миллион 875 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни хорижга сотиш режалаштирилган.

Экспорт бўйича биринчи чорак режаси 120 фоизга урдаланди ва 3 миллион 266 минг АҚШ долларида ортқ санат маҳсулотлари етказиб берилди.

Бу ишларга "Олмалиқ металл групп", "Биттер стил текстиль", "Зартола

текстиль" масъулияти чекланган жамиятлари катта ҳисса қўшди. Маълумотларга кўра, экспорт саломига хусусий тадбиркорликнинг улуши ортиб бормоқда. Мисол учун, "Охунов Б.Н." хусусий корхонаси томонидан жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига 18,2 минг долларлик қайта ишланган мева-сабзавот хорижга жўнатилган.

Юлдузхон
ҒАЗЛИЕВА

ЯНА БИР ЯНГИ БОҒЧА

Пискент туманидаги "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига янги хусусий мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

"Камронбек-Фарангиз" корхонаси томонидан очилган мактабг

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни олдидан

УМР ҲИКМАТИ ВА САОДАТИ

Қибрай туманидаги 10-умумтаълим мактабида Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими, туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ташкил қилинган учрашувда инсон қадрининг улуғлиги, хотира муқаддаслиги ҳақида сўз борди.

Тадбирда "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими раҳбари Ш. Жумаев, бош мутахассис Т. Тоғайкулов, туман умумтаълим мактабларининг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчилари қатнашди.

Давра суҳбатда халқимизга хос

меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат бўлса байрамларимиз сингари "Хотира ва Қадрлаш куни" мисолида яна ҳам ёрқин намоён бўлиши, тарихий хотира, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш, келажакка ишонч, узоқ-яқин ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисалардан

бугунги ва эртанги кун учун зарур сабоқ ва ҳулосалар чиқариш каби масалалар юзасидан дилдан суҳбат қурилди.

Тадбир якунида педагоглар ўзлари фаолият олиб бораётган таълим муассасаларида бу йўналишда амалга ошираётган ишлари ҳақида маълумот беришди.

Ирода МУҲАММАДЗИЗОВА,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими етакчи мутахассиси

ДОНО БОБО
ДАВРАСИДА

Пискентдаги 4-мактабга таълим муассасасида туман мудофаа ишлари бўлими ташаббуси билан "Хотира азиз, қадр муқаддас" мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Учрашувда уруш ва меҳнат фахрийси, 94 ёшли Сирожиддин Саидмуҳамедов болажонларга ўз хотираларини сўзлаб берар экан, Ватан, тинчлик, бурча сadoқат ҳақида тўхталиб, муассаса тарбияланувчиларини она юртни севишга, чуқур билим олиб, келажакда халқ учун хизмат қилишга чақирди.

Тадбир давомида муассаса тарбияланувчилари томонидан ижро этилган боболар матонати, тинчлик ва Ватанимиз мадд этувчи шеър, қўшиқлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА

ИБРАТ МАКТАБИ

Тошкент туманидаги "Қурувчи" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Абдуманнон ота Рихсиев хонадонни доимо гавжум. Айниқса, 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида бу хонадонга келиб-кетувчиларнинг кети узилмайдди.

Куни кеча "Нуроний" жағғармаса туман бўлими, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳамда масанаб уюшмалари кенгаши вакилларида иборат гуруҳ аъзолари отани йўқлашди, совға-саломлар тақдим этишди.

Бу йил 96 ёшли қарши олган отахон ҳаёти давомида машъум уруш даҳшатларини бошидан кечирди. Жангхорлардан омон қайтган, 46 йил ёш авлодга таълим-тарбия берди. Абдуманнон ота ёшларни бугунги фаровон, тинч замонни қадрлашга, Ватанга муносиб фарзандлар бўлишга даъват этади.

Дарҳақиқат, бундай фахрийларнинг хотиралари ҳар биримиз учун сабоқ, ибрат мактабидир.

Ўз мухбиримиз

Кўргазма

Нурафшон шаҳрида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида кенг ишлатиладиган турли техникалар кўргазмаси ташкил этилди.

ТЕХНИКА —
ДЕҲҚОННИНГ
ҚАНОТИ

Вилоят фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши мутасаддилари, туманлар ҳўкимлари ўринбосарлари, банк ходимлари, "Томорқа хизмати" МЧЖ раҳбарлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда намоийш этилган техникалар ва уларни ишлатиш тартиби ҳақида маълумот ва тушунчалар берилди.



— Ердан мўл ҳосил олишда техниканинг ўрни катта, — дейди Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Акмал Абдурахимов. — Янги ташкил қилинган "Томорқа хизмати" марказларига замонавий техникалар жуда зарур. Шунинг учун ҳисобга олган ҳолда, уларга қўмақлаштириш мақсадида кредитлар ажратилмоқда. Натижада корхоналарнинг техника базаси мустаҳкамланадир.

Маълумотларга кўра, шу кунгача "Томорқа хизмати" МЧЖлар томонидан муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, томорқа эгаларига 12 минг 397 тул мевадари дархастни, 802 минг 570 тул сабзавот кўчаси, 400 тонна картошка уруғи, минг бош товуқ етказиб берилди.

— Вилотимиздаги "Томорқа хизмати" марказлари ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобидан 23 та қишлоқ ҳўжалиги техникаларини сотиб олди, — дейди вилоят фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раҳбари Тўлқун Тўраев. — Жумладан, битта минн трактор, ўн учта мотокультиватор, дўна юк ташувчи кичик транспорт воситалари шулар жумласидандир.

Зухриддин РАҲМОНОВ,

"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Равшан МИРЗАКУЛОВ

олган сурат

НОРҚУЛ БОБО ЯЛТАГА
БОРМОҚЧИ

Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони жангхорларда бўлиб қайтган кексаларимиз умрига умр қўшди, кўксини омон қадар юксалтирди, десак муболага бўлмайди.

"Яхшиликнинг қаноти бўлади", деганларини ҳақ гап. Юртбоши-нинг хайрли сый-ҳаракатларига барча ватандошларимиз қамарбаста бўлиб турибди. Хусусан, вилотимиз ҳўким қарорига мувофиқ, фахрийларимизга давлат томонидан ажратилган 5 миллион сўмга яна бир миллион қўшиб топи-

нурафшонлик касб этган. Бобони йўқлаб келатганларга айтар сўзи кўп: "Шундай кунларга етказганига шўқлар бўлсин. Илоҳим юртимиз тинч, давлатимиз раҳбари омон бўлсин".

Дарвоқе, Норқул бобо бу йил Ялтага ёки Кисловодскка бориб дам олиб келмоқчи.

Худойим куч-қувват берса, келаси йил ўзим озод қилган шаҳарни бир кўриб келаман, дейди Норқул бобо ўқтамлик билан.

Сайёра ЭШМАТОВА

ган эдим. Эндликда имкониётлар эҳйи кенг очилди. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган менинг қадрдонларим — акробаю ҳешлар ҳолидан тез-тез хабар олиб турсам бўлади. Ўз навабатида, улар ҳам Тожикистонга бемалол бориб келишлари мумкин.

— Ўзбекистонга илк бора келишим, — дейди яна бир Тожикистон фуқароси Зафар Мирқаримов. — Юртингиз жаннатидан ўлка, таърифига сўз йўқ. Мен сайёҳ сифатида тарихий шаҳарларингизни зиёрат қилимоқчиман. Тошкентга, сўнгра эса Самарқанду Бухорога бориш ниятидаман. Айниқса, Президентин-

тутади. Буни биз биргина Бекобод шаҳридаги "Цементник" маҳалласи мисолида яққол ҳис этдик.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, 700 дан зиёд хонадон, 2 минг 680 нафардан ортиқроқ аҳоли яшайдиган мўъжаз маскан чин маънода байналминвал оисалардан таркиби топан. Ўзбек, тожик, рус, бошқир, арман, қорейс ва бошқа миллат вакиллари аҳил ва иноқликда турмуш кечириётганликлари кишининг ҳавасини келтиради. Ана шундай гўзал маҳаллада юртимиз бўйлаб тобора кенг қўлоқ ёзаётган "Обод қишлоқ" дастурига ҳамоханг ибратли ишлар амалга оширилатганлиги ҳам диққатга сазовор. Ички йўлларнинг барчаси қайтадан таъмирланди, эскирган лотоклар янгисига алмаштирилди. Барча электр узатиш устунлари қайта қўриб чиқилиб, ёритиш мосламалари тўбдан яшиланди. Айниқса, кўча четлари-га экилган анвойи гуллар маҳалла кўрғига кўрк бағишлаб турибди. Яхши ниятлар ила бошланган хайрли ишларнинг файзу таровати ҳам ўзгача бўлар экан.

Кўшиларимиз билан бордикелди алоқаларининг яхшилланиши ҳеч шубҳасиз маҳалламизга ҳам ўзгача бир фазл бағишлади, — дейди "Цементник" маҳалласи раиси Рустам Шарипов. — Дўст уйингизга қадам қўйса, шoir айтганидек, ободлик, фаровонлик ошиб бораверар экан. Маҳалламиз чегарага яқин жойлашганлиги учун ҳам доимий эътиборда бўлиб турибди. Ҳозирда худудимизда яшайдиган эҳтиёжманд, моддий таъминотга муҳтож оилаларнинг уйлари ҳомийлар ҳисобидан таъмирлаб берилмоқда, ободончилик ишлари янада кенгаймоқда. Маҳалламизда 100 ўринга мўъжалланган босалар богчаси ишга тушиш арафасида. Яқин кунлар ичида эса худудимизда маийш хизмат кўрсатиш шахобчасининг фойдаланишга топширилиши ҳам кўзда тутилган.

Қандай яхши ишлар, ажойиб ўзгаришлар... Бундан факат қувончи мумкин. Албатта, бизнинг ютуқларимиз, қўлга киритаётган муваффақиятларимиз ён қўшиларимизни ҳам севинтирмоқда, хайратга солмоқда. "Қўшнинг — тинч, сен — тинч" деган нақл ҳам бежизга айтилмаганда. Зеро, тарихан қондош ва жондош бўлган икки халқнинг бугунги ҳам, эртаси ҳам бундан-да фаровон, обод бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Асло!

Ашуралли БОЙМУРОД

ЎРАТЕПАДАН БЕКОБОДГА
КЕЛИН ТУШДИ, ЁР-ЁР...

кўп бора дуч келиш мумкин. Улар бугунги ўзгаришлардан, кечаётган воқеалардан доимо хабардор. Уларнинг хурсандчиликлари шундоқ юз-кўзларидан билиниб турибди.

— Ўратепанинг "Лакат" қишлоғиданман, — дейди Мақсадов Ҳамдамов. — Қизим Бекободга келин бўлиб тушган. Ҳозир уларни кўргани келяпман. Қизимни, невараларимни жуда ҳам соғиндим. Ҳар икки давлат фуқароларига чегара постидан ўтиш чоғида берилган қулайликлар жуда маъқул иш бўлди. Президентларимизнинг халқ манфаатини кўзлаб амалга оширган сый-ҳаракатлари таҳсинга сазовор. Зеро, ҳақиқий дўстликка асло раҳна солиб бўлмайди. Дўстлик муқаддас тушунча, унинг қадрига етайди.

Одамлар билан мулоқот чоғида улар кўнглидаги бор гапни тўқиб солишди. Айниқса, шу йилнинг 9-10 март кунлари муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикаси Президентини Имомали Раҳмоннинг тахлифига биноан Тожикистонга қилган давлат таърифини кенг жамоатчилик улкан шофеи сифатида эътироф этмоқда. Айниқса, Тожикистон фуқароларининг қувончи чексиз. Улардан айримларининг сўзига қулоқ тутайлик.

Жовид Маҳкамов;
Тожикистон фуқароси;
— Бекободда қариндошларим яшайди. Анчадан буён уларни кўрма-

гиз ташаббуси билан туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётгани таҳсинга сазовор. Ахир, сизнинг бетакор, гўзал диёрингизни бир кўриш истагинда бўлганлар қанча! Давлатингиз мадҳиясида "Оламни маҳлиё айлаган диёр!" деб қўйланади-ку! Аслида ҳам бунда ҳеч қандай муболага йўқ-да.

Дарҳақиқат, юртимиз ҳақида ана шундай илҳи таассуротларни эшитганда фахру ифтихорга чўмайсиз. Кўнглидаги туйғулар эса сатрларга кўчади:

Мулоқот майдони ўрта Осиё,
Қардошлиқ йўллари қайта очилган.
Биз битта заминимиз, биз битта дунё,
Кўнглидан кўнглига ёғду сочилган.

Эт билан тирноқни бўлмас ажратиб,
Менинг дардим эрур қўшимнинг дарди.

Бешта қўл бирлашиб, айланар мушта,
Ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман.

Қандай соз, дўст бағрин очибди дўстга,
Шу дўстлик ичинда мен ҳам турибман.

Ардоқли шоиримизнинг "Дўст билан обод уйинг..." деб номланган машҳур сатрлари қулоғимиз остида қайта ва қайта жаранглагандек бўлаверади. Демакки, дўст қириб борган хонадон, маҳалла ва хиёбонлар ҳамиша ободликка юз

Тошкент вилояти ҳўкимлиги
эълон қилади!

2018 йил 9 май — "Хотира ва қадрлаш куни"га бағишлаб, вилоят ҳўқими томонидан тасдиқланган манзилли дастур ҳамда харид режасига асосан, ҳарбий-маъмурий сектор, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар ижтимоий таъминоти учун қурилиш моллари, ошхона идиш-товоқлари маийший буюмларни харид қилишга вилоят ҳўдаидаги корхона ва ташкилотлар ҳамкорликка таклиф қилинади.

Мурожаат учун манзил: вилоят ҳўқимлиги ҳарбий-маъмурий сектор штаби.

Телефон: 233-80-46. **Ҳарбий округ веб-сайти:** tho-askar.uz.

Эълон бўйича мурожаатлар 2018 йилнинг 3 май кунига қадар қабул қилинади.

Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, А. Икромов кўчаси, 25-уй учун Семинский Константин Васильевич номига берилган ТО № 0232703, ТО № 0094237 рақамли кадастр гувоҳномалари йўқолиши сабабли бекор қилинади.

"Respublika mulk markazi" MCHJ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Сижжақ қишлоғида сақланаётган: (1. ГАЗ СА3 450901 русумли, ўзи ағдарувчи), д/р. 10 626 ТАА бўлган, 1994 йилда и/ч. техник носоз, бошланғич баҳоси — 7 120 050 сўм; 2. Экскаватор Э.О. 26/28 Беларусь русумли, д/р. 63-24 3Х бўлган, 1995 йилда и/ч. техник носоз трактор, бошланғич баҳоси — 7 729 750 сўм; 3. Прицеп тракторний и/ч. йили номаълум, техник носоз, бошланғич баҳоси — 780 500 сўм; 4. Электронасосный агрегат 2001 йилда и/ч. техник носоз, бошланғич баҳоси — 126 000 сўм; 5. Компрессорная станция Д 243 (Дизель) русумли ПР-8/0.7.0-8м3/мин. Р-7кгс/см2 бўлган, 1996 йилда и/ч. техник носоз, бошланғич баҳоси — 3 402 000 сўм; 6. Сварочный агрегат карбюраторный АД5-3122.У1 русумли, 1996 йилда и/ч. техник носоз,

бошланғич баҳоси — 2 277 334 сўм; 7. Передвижной сварочный агрегат дизельный Дизел Д144 русумли, қуввати 39 кВт бўлган, 1989 йилда и/ч. техник носоз, бошланғич баҳоси — 7 898 476 сўм; 8. Электролизная установка ЭН-5 русумли, 1995 йилда и/ч. техник носоз, бошланғич баҳоси — 2 623 108 сўм; 9. Электролизная установка ЭН-5 русумли, 1995 йилда и/ч. техник носоз, бошланғич баҳоси — 2 623 108 сўм; 10. Аппарат "БИОСОРБ" (демонтированный) 1995 йилда и/ч. техник носоз, бошланғич баҳоси — 28 382 715 сўм; 11. Фильтр Пресс РОМ 25-IV-1 (демонтированный) 1995 йилда и/ч. техник носоз, бошланғич баҳоси — 4 637 011 сўм; 12. Шибер (демонтированный) 1995 йилда и/ч. техник носоз, бошланғич баҳоси — 285 371 сўм; 13. Решетка дробилка (демонтированный) 1995 йилда и/ч.

техник носоз, бошланғич баҳоси — 890 506 сўм; 14. Опора решетка (демонтированный) 1995 йилда и/ч. техник носоз, бошланғич баҳоси — 47 823 сўм; 15. Бак металлическая V-2м3, 1995 йилда и/ч. техник носоз, бошланғич баҳоси — 214 135 сўм; 16. Вентилятор ВЦ-14-46 1995 йилда и/ч. техник носоз, бошланғич баҳоси — 268 260 сўм; 17. Вентилятор ВЦ-14-46 1995 йилда и/ч. техник носоз, бошланғич баҳоси — 268 260 сўм бўлган автотранспорт воситалари ва асбоб-ускуналар такоран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2018 йил 7 май соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишининг охириги мuddати 2018 йил 4 май соат 18.00 гача. Автотранспорт воситалари шу кунни сотилмас, такорий савдолар 2018 йил 14 май, 21 май кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар қабул қилиш 2018 йил 14 майдаги савдолар учун 11 май, 2018 йил 21 майдаги савдолар учун 18 май соат 18.00 да тўхтатилади. Талабгорлар за-калат келишув шартномасини имзолаб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини ХАТБ "DAVR-BANK" Бош Амалиёт бўлими рақамли: 2260400800571452003, МФО 00981, ИНН 200933850 га ўтас-лари шарт. Савдо голибига 10 банк-куни ичида сотувчи билан олди-соти шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдолари ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Телбуотчи-лар кўчаси, 32-уй. Тел.: 233-28-52. Расмий сайт: www.rtm.uz. Гувоҳнома № 001805.

ОҚҚҮРҒОН
БАҲОРИ

Инсонни ўз юрти, аждодлари билан фахрланиш ҳисси эзгулик-ка чорлаб туради. Шўқри, улуг аждодларимиз зиёси қалбларимизни ватанпарварлик, меҳнат-севарлик, адл инсоф каби умуминсоний қадриятлар, фазилатларга ошно этган.

Фестиваль

Президентимизнинг "Ички туризмни ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори шу йўналишдаги хайрли амалларга қанот бағишлади. Тарихий обидалар, қадимжолар зиёрати, ўлкамиз бўйлаб саёҳат қилишга бўлган қизиқиш янада ортиди.

Вилотимизнинг Оққўрғон туманидаги "Шохруҳия" тарихий ёдгорлиги нафақат ўзбекистонликлар, балки чет элликларнинг ҳам эътиборини тортди келади. Тарихшунос олимларнинг айтишича, бу табаруқ масканга келган ҳар қандай инсон қадимий Қанқа, сўнг Шохруҳиянинг улугвор ўтмиши садоларини ҳис этиб турар экан.

Туман ҳўкимлиги, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси туман кенгаши ҳамда маданият бошқармаси ҳамкорлигидаги "Оққўрғон баҳори" номли фольклор-этнографик, туристик фестивалининг айна Шохруҳияда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Ташкилотчилар томонидан орасаланиб, тўрт томонли миллий-маънавий қадриятларимиз ақс этиб турган чиройли расталар, айвонлар билан янада кўркамлашган майдонда туман ҳўнармандлари, тадбиркорлари, адабиёт ва санъат ихлосмандлари, фольклор-этнографик халқ дасталари, ашула ва рақс ансамблларининг хонада ва рақс-салари жамулжам бўлди.

Тадбирда қадимий анъаналар, миллий халқ ўйинлари, либослар, халқ оғзаки ижодидадан ўлан, лапар ихрочилиги, шунингдек, турли миллатлар маданияти намойишига кенг ўрин берилди. Оққўрғоннинг "Тўрай", "Едгор", Паркентнинг "Паркент чашмаси", Янгийўлнинг "Заррин яроқлар" фольклор-этнографик дасталарининг чиқишларини фестивал қатнашчилари, шунингдек, вилотимиз шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган меҳмонлар олқишлар билан қутиб олишди. Айниқса, халқимизнинг урф-одатлари, миллий ўйинларини чет элларда ҳам маҳорат билан намойиш этиб келаётган "Тўрай" гуруҳи аъзолари ижросидаги ўлан ва лапарлар фестивалга файз, иштирокиларга кўтаринки кайфият бағишлади. Кўпарки, миллий кураш ва спорт-соғломлаштириш мусобақаларида нафақат туман ёшлари, балки меҳмонлар ҳам фаол иштирок этди.

— Бугунги фестиваль халқимизнинг ўзлиги, миллий қадриятлари ўз аҳамиятини йўқотмай келаётганининг яна бир исботи бўлди, — дейди "Тўрай" халқ этнографик дастаси аъзоси Дилором Саидхмедова. — Миллий қўшиқ, лапарларни ижро этганимизда, ҳатто чет элликлар ҳам завқ шавқ билан тинглаб, томоша қилишди. Уларнинг юзидида хайрату ҳавасни кўриб, янада жўшиб қўлаверамиз. Ўзгаларга айтсак, фахрланасан арзийдиган қадриятларимиз бор бўлсин!

— Вилотимиз бўйлаб давом этаётган бу каби фестиваллар нафақат ички туризмни ривожлантиради, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП вилот кенгаши мутахассиси Зулайхо Чўлпонова. — Балки хорижий сайёҳларни худудимизга гўзал табиати, пурвиқор тоғларни, қадимий-тарихий обидаларига жалб этиши билан катта аҳамиятга эга.

Сайёра РИХСИБЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Юртимизда барча соҳалар, жумладан, маънавият, адабиёт, санъат ривожига дахлдор амалий ислохотлар даври кечмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган тегишли фармон ва қарорлар асосида китобхонлик маданиятини ошириш, Абай Кўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш, Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича улкан ишлар амалга ошириляпти. Бу тарихий ислохотлардан кўзланган бош мақсад, албатта, юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган санъатсевар ёшларни тарбиялашдан иборат.

Чинакам адабиёт, санъат, ҳар қандай кўнгилда Батанга ва инсониятга меҳр уйғотади. Зеро, айна пайтда ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган янгиликларни, бунёдкорликларни эртага илмий-ижодий салоҳияти юксак, дунёқарашли кенг, миллатпарвар ёшларгина муносиб давом эттиришга қодир.

Сўз санъати, китобхонлик равнақида давлатимиз томонидан шу қадар юксак эътибор кўрсатилаётгани ҳаммамизни мазкур соҳаларга янада жиддий аҳамият беришга, эҳтидор билан муносабат билдиришга даъват этади. Лекин шу масъулиятни барча бирдек ҳис этмаётгани бизни ташвишга солади. Сабаби, сўз санъатининг асосий тарғибчиликларидан бири саналган кўшиқчилар ҳамон "лик-лик" кўшиқларни айтишдан уялмаяптилар. Таассуфки, улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар

«ЛИК-ЛИК» ҚЎШИҚ АЙТАСИЗ – ШЕЪРНИ БУЗИБ НЕТАСИЗ?

ҳам учраб турибди. Масалан, яқинда Зиёда Қобулованинг "Топ-топ" номли кўшиғи радиоканалларда роса "айлан-тирилди". Уша кўшиқдаги тўртликдан парча келтирамиз:

Кўринмасанг гумонларга
ботаман,
Хаста қуёнга ўхшаб
касал бўлиб ётаман.
Кел, қалбимни сенга
ўзим тутаман,
Шарқдан чиққан қуёшдай
тонг отаман.
"Хаста қуёнга ўхшаб касал

бўлиб ётаман" сатрини кўшиқ қилиб қуйлаш эриш туюлсада, тушуниш мумкин. Лекин "Шарқдан чиққан қуёшдай тонг отаман", деган жумлани ҳар қанча таҳлил қилмайлик жавоб ягона: ғализ ва тушунармас. Мазмунини тушуниб бўлмайди! Кўшиқ мусиқаси даврабоп бўлгани учун кўплар сўзларига эътибор бермай тинглаб, рақсга тушиб кетаверади. Аммо, бу ўринда хонанда шеър танлаётганда мутахассислар билан маслаҳатлашишни наҳот ўзига эп бил-

майди, деган савол қийнайди бизни.

Эътирозли яна бир жиҳатга эътибор қаратсак. Бугун ижрочилар орасида устоз шоирларнинг машҳур сатрларини "юлиб олиб" кўшиқ ясаш урфа кирди. Яқинда Фазлиддин Қодировнинг "Анор" кўшиғини тинглаб, ҳайрон бўлди. Чунки кўшиқдаги: "Анорлар ёрилди ми?" Тупроққа қорилди ми? Менинг аламзоримдан Бахтинга қорилди ми?" сатрлари Ўзбекистон халқ

шоири Иқбол Мирзониинг "Кўзимга ишонмайман" деган гўзал шеърдан "кириб олиман". Мана ўзингиз солиштириб кўринг:

Тунги қорбоғда анор
тириллаб ёрилади,
Энг сара донлари тупроққа
қорилади.

Дилгир ётарман тинглаб,
кўзга келмайди уйку,
Наҳот мудом камолдан
заволга борилади?

"Кўзимга ишонмайман,
наҳотки ўзингсан шу?"

Эҳтимол Фазлиддин Қодиров ўзи айтаётган кўшиқ сўзлари бировдан кўчирилгани билмас, эҳтимол "кўшиқчи шоирман" деб юрган устозлардан олгандир матини. Лекин бизни ташвишлан-тирган жиҳат – бундай адабий ўғрилиқларга ҳеч қим парво қилмаётгани. Улуғ устозлар Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Мухаммад Юсуф, Иқбол Мирзониинг яқираган сатрлари хом-хатала айтимлар ичида кўп учраётгани ва бу ҳолат урчиётгани тафаккурини уйғоқ кишиларни безовта қилиши керак эмасми?

Шоира БОЗОРОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири

АДАБИЁТГА ОШНО ЮРАКЛАР

Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида ўтказилган тадбир ҳам юрт посбонларининг маънавиятини янада ошириш, уларни адабиётга ошно этиш, ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган ижодий асарлар билан яқиндан таништиришга бағишланди.

Учрашувда Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, шоир Ботир Эргашев ҳамда Бекобод санъат коллежи ўқитувчиси, ҳофиз Абдумухтор Олимов иштирок этишди. Тадбирда сўз олганлар юртимизда маданият, санъат ҳамда адабиёт вакилларига

қаратилаётган юксак эътибор, ёзувчи ва шоирларнинг янги асарлари ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдиришди.

– Бундай тадбирлар ҳарбий хизматчилар учун руҳ бағишлайди, – дейди капитан Шоҳрух Носиров. – Биз асарларини севиб мутолаа қилган, кўшиқларини тинглаган ижодкорлар билан бўлган бугунги учрашув таассуротларга бой бўлди. Келажакда бундай тадбирларни янада кўпроқ ўтказишга ҳаракат қиламиз.

Тадбир якунида ижодкорлар ҳарбий қисм кутубхонаси учун ўз китобларини совға қилишди.

Наргиза АСАДОВА

Учрашув

Яқинда Республика Мудофаа вазирлиги билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик Меморандумида ҳарбий қисмларда китобхонлик тарғиботи, ижодкор зиёлилар билан самимий учрашув ва мулоқотларни мунтазам ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар акс этган.



Минг йиллар оша сайқалланган мақолларимиз бор. Уларни эшитганимизда ёки ўқиганимизда бирдан ҳушёр тортасиз, уйга қўмасиз, унинг маъзини чақиб, бобокалонларимизнинг топқирлигига қойил қоласиз. "Ён қўшнинг – жон қўшнинг", "Юзта оқибатсиз бўлган бўлгунча, битта жонтортар қўшнинг бўлсин". Бунақа мақолларнинг юзлабини келтириш мумкин. Воқеаларни «бисмилло»сидан бошлаймиз.

Чиноз тумани Пахтаобод кўчасидаги 155-уйда яшовчи Иззатжон Парманов кўшниси Ҳусниддин Йўлдошевнинг ертўласида жуда катта миқдордаги пуллар борлигидан хабар топиб, тинчини йўқотди.

– Бу пуллар қаердан келган? Кўшмин бор-йўғи болалар боғчасида тунги қоровул бўлиб ишласа? Ўғли Ойбек энди йигирмага қиряпти, ҳали ёш, топиш-тутишининг тайини йўқ. Хотини билан қизи "Бек Барака"да савдо-сотик билан шуғулланса-да, уларнинг шунча пул топиши мумкин эмас. Балки булар Аҳмадбойдан қолган пуллардир?

Ана шундай саволларга жавоб тополмаган Иззатжон, опасининг ўғли Ақромали Саидовни бошлаб Олмазор шаҳарчасининг Улуғбек кўчасида яшовчи тоғаси Исмаилов Пирназаровнинг уйига йўл олди. "Сизам Аҳмадбойга пул бериб, чув тушганлардансиз-а, тоға?" саломалиқдан сўнг Иззатжон гапни узокдан бошлади.

– Эски дардларимни янгилама! – деб Исмаилов сизаретини чуқур торти. – "Нексия" машинами, 40 тонна картошкани сотиб, жами 120 миллион сўмни Аҳмадбойга қўшқўллаб топширганман...

– Аҳмадбой қамалди. Энди ундан қолган пулларга эғалик қилсак, ҳеч қим даво қилмайди, – деди Иззатжон. – Пул катта. Ертўлага қамашиб, ойна ва эшигини фиш билан уриб ташлашган. Бақувват йигитлар бўлса, бир кечада ўмариб чиқса бўлади...

Исмаилов жойида ўтиролмай қолди. Дарҳол "бўладиган" йигитларни тўллашга киришди. А. Сағатов, А. Хожаев, Ш. Оқтамов, О. Тўраев, З. Алимов, П. Исакхожаев, А. Саидовлардан иборат жиноий тўда тузилди. Улар ўртасида ҳайдовчилик, хона-

донни кузатиш, пулларни ташвиш, бўлиш каби юмушлар тақсимланди. Жумладан, Исмаилов ғуруҳга раҳбарлиқни қўлга олди. Иззатжон кўшниси Х. Йўлдошевнинг уйини, кўча-кўйни кузатадиган, бу уйда яшовчиларнинг қачон ишга бориб

қилишлари, қиладиган юмушлари ҳақида атрафчи маълумот тўплайдиган бўлди. З. Алимов, А. Саидовларнинг зиммасига ҳайдовчилик, Ш. Ақтамов, А. Сағатов, А. Хожаев, О. Тўраев, П. Исакхожаевларга ниқоб тақиб ҳовлига кириш, пулларни ертўладан олиб чиқиш ва машиналарга юклаб бериш вазифаси юкланди. Ва ҳоказо...

...Сокин ёз оқшомларининг бирида жиноий ғуруҳ аъзолари Олмазор кўрғони яқинидаги Олхўри боғида тўпланишди. Ниқоб ва қўлқопларни кийишди, ошпичоқ, таёқлар билан қуролланишди, машиналарнинг давлат рақамларини ечишди...

– Мен керакли жойдаман. Пуллар ертўлага берктилиб, унинг эшик ва ойналари фиш билан уриб ташланган экан. Фишларни кўпориб ташлаб, у ерга кириш мумкин. Аммо пуллар жуда кўп. Уларни ташиб чиқиш учун менга ёрдамчилар керак! Уларнинг киришлари учун мен унинг иккинчи қаватидаги ойнани очиб қўяман!

Кеч соат саккизларда Алимжон билан Отабек айтилган жойдан Шоҳ-

руҳнинг олдида кириб боришди. Улар ертўладан пулларни ҳовлига олиб чиқишни бошлашди. Шу пайтда яна бир ёрдамчи зарур бўлади. Иззатжонга сим қоқишди. У ёрдамчи жўнатишга киришди. Аммо кўчаларда одам кўплиги боис, бунинг удрасидан чиқолмади. Шунда яна бир кўшниси Абдуқаҳҳордан "қуруқ" қўймаслигини айтиб, илтимос қилди. Уларнинг навбатдаги шериклари Абдуманноп Абдуқаҳҳорнинг деворидан охиб ўтиб, ёрдамча киришди. Шу пайт уйда қолган ёлғиз кўриқчи, кўшни хонада кўшиқ эшитиб ётган Ойбек ҳовлига чиқиб қола-

ларинг! Шоҳқин солсаларинг, ўзларингдан кўринлар!" деб уларни Ойбек ётган хонага бошлаб қиради. Ўғлини боғланган ҳолатда кўриб, она билан қизнинг қўрқувдан тилларига қалима келмай қолади. Оғзи бўшатиб Ойбек уларга кўшниси Аҳмад Ибрагимовга тегишли пулларни олиб кетишгаётганини айтди.

Ғуруҳ аъзолари пулларни олиб чиқиб, ҳовлига тахлаб бўлишгач, телефон орқали шерикларига машиналар зарурлигини айтишди. З. Алимов, А. Саидовлар бошқарувдаги "Жигули", "Дамас" автомашиналари зумда етиб келади, босқин-

Юз донага яқин елим қопчаларда бўлган 1000 ва 5000 сўмлик пуллар... Тарозиди тортишиб, ўзаро бўлишишди. Исмаилов, Зокир, Абдуманноп, Иззатжон, Шоҳрух, Алимжон, Ақромали ва Отабекларга 12 қопдан пул берилди. 2 та сўмадаги пулни ўз деворидан охиб ўтишга рози бўлган Иззатжоннинг кўшниси Абдуқаҳҳорга, бир қопчадагиси уста Абдулазизга оғизларига қўлф осиб қоршилари учун берилди. Жиноий ғуруҳ аъзолари, "Тоғанларимиз тўйларга буюрсин!" дея дуо ўқишиб, тарқалишди.

Табиийки, бу пуллар тўйларга насиб қилмади. Ўзимизча ҳисоб-китоб қилиб кўрайлик. Тергов материалларида қайд қилинишича, жиноятчиларнинг ҳар бири уч ярим миллиард сўмдан пулни босқинчилик йўли билан қўлга киритган. Демак улар жами 28 миллиард сўмни ўмаришган!

Қўлга пул тушса, айниқса, у "осмондан тушган" бўлса, айрим одамлар ҳаяжонини босолмай қолади. Тўда аъзолари ҳам шу қўйга тушишди: босар-тусарларини билмай қолишди. Ўзларидан органига акалари, укалари ё оғайниларига машиналар олиб беришди, уй-жойлар, иссиқхоналар сотиб олишди... Йигирма ёки ўттиз минг долларни, "Сенда туриб турсин, керак бўлганда оламан", дея тантилик билан танишларига инъом қилишди. "Осмондан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик!" деган мақоллар ҳам ўйлаб топишди.

Мана, сизга доно мақолларимизнинг ўғрилари талқини! Ҳамиша зийрак ҳуқуқ-тартибот посбонлари борлигини ҳам унуттишга улгуришганди-ю, бироқ қулоқларидан тортиб, шаҳар бедарвоза эмаслигини эслатишиб, "Касални яширсанг – иситмаси ошқор қилади", – деб қўйишди. Тошкент вилояти Чиноз тумани судининг 2017 йил 9 март куни бўлиб ўтган мажлисида эса, "Меҳнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик!" дея уларга мақолнинг асл мазмунини уқтириб қўйишди.

Соҳиб АББОСОВ

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

МЕРГАНЛАРИМИЗ МАҲОРАТИ

Андижонда мерганлик бўйича Ўзбекистон кубогини мусобақасида вилоятимиз спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Пневматик милтиқда 10 метр масофадан нишонни уриш бўйича қизлар ўртасидаги баҳсларда вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган Зайнаб Пардабоева ҳамда Шаҳноза Турғунова олтин медал учун курашда мезбонлар вакиласи Муштарий Тожиматова, фарғоналик Марина Меркулова ва сурхондарёлик Наталья Сластен билан рақобатлашди.

Энг кўп очко жамғарган Зайнаб Пардабоева шохсупа-

нинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Кескин ва муросаз ўтган рақобатда Шаҳноза Турғунова учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Ўғил болалар баҳсида эса барча совринли ўринлар вилоятимиз мерганларига насиб этди. Ойбек Асипов 231 очко билан биринчи, Суҳроб Мирзажонов 230 очко жамғариб, иккинчи ўринни эгаллади. Учунчи ўриндан жой олган Бекзод Раҳматуллаев 208 очко тўплади.

АЛМАСНИНГ ОЛТИНИНИ ҲЕЧ КИМ ОЛОЛМАДИ

Пойтахтимизда шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида вилоятимиз спортчиси Алмас Раҳматуллаев ушбу қадимий ўйин сирасорларини пухта ўзлаштираётганини намоён этди.

Алмас 13 ёш бўлган ўғил болалар ўртасидаги стандарт шахмат баҳсларини биринчи ўринда якунлади. У тўққиз партиядан еттитада зафар қучди, биттадан дуранг ва мағлубият қайд этди.

Алмас Раҳматуллаев чемпионат доирасида турнирлар рапид ва блиц турнирларида ҳам барча тенгдошларини ортада қолдириб, жами учта олтин медалга сазовор бўлди.

ҒОЛИБЛАР ЖАКАРТАГА БОРАДИ

Тошкентда ўтказилган дзюдо бўйича катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати шу йили Индонезиянинг Жакарта шаҳрида бўладиган Осиё ўйинлари олдидан маҳоратли дзюдочиларни саралаб олиш имконини берди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан энг кучли полвонлар иштирок этган мусобақада вилоятимиз спортчилари ҳам юқори натижаларни қайд этгани қувонарлидир.

Ўзбекистон чемпионатининг энг кескин ва муросаз беллашувларидан бири 81 килограмм тоифаси финалида кузатилди. Унда вилоятимизнинг икки полвони – Шарофиддин Болтабоев ва Улуғбек Ўроқов ўзаро куч сынашди. Катта тажрибага эга бўлган Шарофиддин ёш

рақиб устидан ишончли ғалабага эришиб, мамлакат чемпиони бўлди. Улуғбек бу гал қумуш медал билан қуфояланди. Бу вазнда бронза медал яна бир полвонимиз – Баҳодир Панжиевга теги.

Мусобақада муваффақиятли қатнашган Артём Штурбабин ва Ихтиёр Холмуродов қумуш, Жаҳонгир Алимардодов, Достон Мейлиев ҳамда Жасурбек Шукуров бронза медалга эга бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Ижтимоий эълон

**Тошкент вилояти
Қишлоқ хўжалиги
бошқармаси
фаолиятини самарали
ташқил қилиш
мақсадида бўш иш
ўринларига ишга
қабул эълон қилади**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 17 апрелдаги Қарорини ижро этиш ҳамда Тошкент вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси фаолиятини самарали ташқил қилишни таъминлаш мақсадида:

Қуйидаги йўналишларга ишга қабул қиламиз.

- Агрономия деҳқончилик маҳсулотлари йўналиши.
- Қишлоқ хўжалиги экинлари ва селекция уруғчилиги йўналиши.
- Сув хўжалиги ва мелiorация йўналиши.
- Қишлоқ хўжалигини механизациялаш йўналиши.
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш йўналиши.
- Зоотехния йўналиши
- Балиқчилик йўналиши
- Паррандачилик йўналиши
- Асаларичилик йўналиши
- Мева-сабзавотчилик ва узумчилик йўналиши
- Донли экинлар йўналиши
- Агрокимё йўналиши
- Картошчилик йўналиши
- Қишлоқ хўжалиги иқтисоди йўналиши
- Қишлоқ хўжалиги менежменти ва қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича бошқа мутахассислар

**Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Хафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
14 674 нусхада
чош этилди

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати" тахририяти компьютер марказида терилди ва сақланган.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусоҳиҳ
Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДХЎЖАЕВ